



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



«...ҒАРҚИ ЛАТОФАТ КЎРМИШАМ»

ёхуд Хоразм таассуротлари

Кизик, хоразмликлар билан доим яхши чиқишаман, шогирдларимнинг ҳам кўпи шу улугъ юртдан-у, лекин унга бориш эндигина насиб қилди. “Ёзуқ” дегани шу бўлса керак-да. Йўқса, юртимизнинг бошқа вилоятларида неча марталаб бўлганман. Бормаганим бир Хоразм қолганди.

Боришдан мурод – саёхату тижорат эмас, балки маърифат улашиш – “Маҳорат дарси” режаси асосида бир неча кунлик маърузалар ўтиш эди. Аммо боргач, билдимки, Хоразмга, унинг Урганчу Хива каби кўхна шаҳарларига йўл олишнинг ўзи, хатто у ерда жавлон уриб ишласангиз ҳам, ўз-ўзидан тарихий саёхатга айланиб кетар экан. Нима ҳам дердик, юртнинг ўзи шундай юрт!

ИЛМ ДАРГОҲИДА

Биринчи куни (2024 йил, 13 май) 70-80 ўринли залда дарс ўтилди. Кейинги кунларда эса машғулотлар “Маданият саройи”нинг 250 ўринли залига кўчирилди. Зал профессор-ўқитувчию талабаларга тўла эди. Энг муҳими, бу мажбурлаб тўлдирилган аудитория эмас, балки адабиёт сирларидан воқиқ мутахассислар эди, бас, дарс ҳам, саволу жавоблар ҳам шунга яраша қизғин кечди, десам сўзимни тасдиқловчилар кўплаб топилади, деб ўйлайман.

Тўғри-да, мутахассислик сирлари тўғрисида гаплашишу бахслашишга нима етсин! “Тапни гапир укканга” дейди доно халқимиз. Мен барча дарс давомида укқувчи аудитория қаршисида сўзлаётганимни ҳис қилиб турдим. Бунда узок йиллардан бери адабиёт илмидан сабоқ берган Ҳамдам Абдуллаев (устозни Оллоҳ раҳмат қилсин!), ҳозирда сабоқ бераётган адабиётшуносу тилшунос олимлар – Дилшод Ғойипов, Бекпошшо Раҳимова, Азамат Примов, Саида Қурбонова, Саломат Матқаримова, Манзура Пирназарова, Насиба Жуманиёзова ва бошқа кўплаб профессор-ўқитувчиларнинг ҳиссалари бор, албатта.

Ижтимоий тармоқлар орқали дунёнинг турли илм масканлари олимларининг Урганч давлат университетига таклиф этилганига гувоҳ бўлиб тураман. Бу эса, қайсидир маънода, тафаккурдаги “Буюк ипак йўли”га асос солинишидир. Эсланг,

ўз вақтида Турону Туркистон элларининг гуллаб яшнагани, аввамбор, “Буюк ипак йўли” билан боғлиқ эди. Худуд инкирозига, аввало, Хитойдан Оврупага денгиз йўли очилиб, Ипак йўлининг беркилиши сабаб бўлган. Уч хонлик ўртасидаги низолару кўпгина хонлар савия-даражасининг ҳавас қилгулик эмаслиги кейинги сабаблардан саналади. Аслида, савиянинг даражаси ҳам кишининг қандай муҳитда туғилиб ўсишига боғлиқ. Бас, дунёқарашлар дарёлардек оқадиган муҳит яратиш учун дунёнинг соҳа мутахассислари билан илмий-педагогик алоқани йўлга қўйиш керак бўлардики, буни Урганч давлат университети аёло даражада амалга ошириб келмоқда.

Университетда 30 мингга яқин талаба таълим олишини эшитиб ҳайратландим. Бу, ахир, Республикадаги энг катта университетларидан бири дегани! Бу ерда, умуман, Хоразм воҳасида эркин муҳитни кўрдим ва ўйладимки, айни шу хусус ривожланишнинг муҳим шартларидан биридир. Ҳар қандай ўртам (муҳит) инсон омили билан боғлиқ. Университет ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор Баҳром Абдуллаевнинг қабулида бўлиб, у киши билан суҳбатлашганда ҳам, Ўзбек филологияси факультети декани, филология фанлари доктори, профессор Дилшод Ғойипов ва ўқув даргоҳининг кўплаб профессор-ўқитувчилари билан мулоқот қилганда ҳам шунга амин бўлдимки, Хоразм ўртамида кишини қувонтирадиган даражадаги эркин тафаккурга мойиллик бор. Эҳтимол, шунинг учун ҳам худудда Хоразмий, Замахшарий, Беруний, Пахлавон Маҳмуд, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Рабғузий, Абулғози Баҳодирхон, Мунис, Огаҳий, Феруз, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар, Комилжон Отаниёзов, Ҳожихон Болтаев, Омон Матжон, Матназар Абдулҳаким ва яна кўплаб улугъ хоразмийлар етишиб чиққандир. М.Юсуфнинг таъбири билан, яъни унга ўхшатиб айтганда: “Улуғлар ҳар жойда бор, Хоразмда бори қайда бор?!..”

ОГАҲИЙНИНГ “КЎРМИШАМ” РАДИФЛИ ҒАЗАЛИ ВА ЭККАН ТУТИ

Гап айланиб шеърятга уланган экан, Огаҳий ғазали билан Шерали ҳофиз куйлаган муҳташам кўшиқ – “Кўрмишам”ни эсламаслик мумкин эмас. Бутун Хоразм сафари давомида ҳофизнинг ана шу улугъ кўшиғи миямнинг ичида янграб турди, десам муболаға бўлмас-ов.

(Давоми 3-саҳифада)

Муносабат



МАДАНИЯТ — ХАЛҚИМИЗ, ЖАМИЯТИМИЗ ҚИЁФАСИ

Инсоният маънавияти ва тафаккури ривожланиши маданият ва санъатсиз кечмайди. Шу боис, мамлакатимизда барча тармоқлар қатори маданият ва санъат соҳаларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, давлатимиз томонидан санъаткорлар, муסיқачилар, ёзувчилар ва ижрочиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Маданият соҳасида ижодкорлик ва инновацияларни рағбатлантириш учун турли дастурлар ва грантлар ташкил этиляпти.

Юртимизда халқимизнинг маънавиятини юксалтириш, онгу тафаккурини ўзгартириш, янги замон кишини тарбиялаш масаласига биринчи даражали эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бу ислохотлар Янги Ўзбекистонни бунёд этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидан дадил одимлаётган халқимизга ниҳоятда зарур.

Бинобарин, инсон болалик чоғидан халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбия топмас экан, у маънавиятли бўлмайди. Шу билан бирга, мамлакатимизда маданият ва санъат тараккий этмаса, жамият ривожланмайди, юрт тараккий этмайди.

Пойтахтимизда миллий эстрада санъатимиз асосчиси, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ҳайкалининг очилиши ҳам юртимизда маънавият, маданият соҳаси вакилларига қай даражада катта эътибор берилаётганининг ёрқин намунаси, десак янглишмаймиз.

Ҳамма даврларда миллатнинг қалб кўзини равшан қилиб, илғор тафаккурга, илм-маърифатга ундайдиган, одамлар шуурига эзгулик уруғини сочадиган зиёлилар бўлади. Улар халқнинг халқ сифатида шаклланиб, кадрятларини, ўзлигини англашида, ватанпарварлик туйғуларини юракка синдиришида қимматли асарлари, эзгу амаллари билан намуна вазифасини ўтайди.

(Давоми 2-саҳифада)

МАДАНИЯТ — ХАЛҚИМИЗ, ЖАМИЯТИМИЗ ҚИЁФАСИ

(Боши 1-саҳифада)

Ботир Зокиров ҳам ўзининг анъанавий ўзбек куйларини замонавий услублар билан уйғунлаштирган кўп қиррали мусикий композициялар муаллифи ҳисобланади. Унинг мусикаси кўпинча миллий, эстрада ва жаҳон мусикаси элементларини ўзида мужассам этган бўлиб, ўзига хос ва жозибали овози билан халқимиз қалбида чуқур из қолдирган.

У мусикага инновацион ёндашуви, доимий чегараларни босиб ўтиши ва янги товушлар ва услубларни ўрганиши билан машхур.

Санъаткор томонидан яратилган мусикаларда кўпинча унинг ўзбек маданий анъаналари ва мероси билан чуқур боғлиқлиги акс этади. Айтиш жоизки, у ўз қўшиқлари

орқали ўзбек халқ оғзаки ижоди, шеърляти, мусикий анъаналарини тараннум этиб, ўзбек маданиятини асраб-авайлаш ва жаҳон миқёсида тарғиб этишга хизмат қилган.

Тўғри, Ботир Зокиров жуда қисқа умр кўрди, лекин шу йиллар давомида ўзидан ранг-баранг ва бой ижодий мерос қолдирган. Унинг сеҳрли овози юртимиздаги ҳар бир хонадонга кириб бориб, халқимиз қалбидан, санъатимизнинг олтин фондидан жой олгани ҳам рост.

Ижодкор умри давомида янгиликка интилиб яшади. Бир кун, бир сония ҳам тинч ўтирмади. Шарқ фольклори ва замонавий эстрада санъатини уйғунлаштириб, “Мюзик холл” ижодий жамоасини ташкил этди. Энг муҳими, хонанда ва ком-

позитор сифатида кўплаб истеъдодли ёшларга устозлик қилди.

Шу боис, сўнгги йилларда буюк санъаткорнинг сўнмас хотирасини эъзозлаш, ижодий меросини ўрганиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимиз қарори билан 2021 йилда Ботир Зокировнинг 85 йиллик таваллуд айёми кенг нишонланди. Улуғ ҳофиз номидаги миллий мукофот таъсис этилди. Бу каби мисолларни узоқ давом эттириш мумкин.

Бундай куч-қувватга сохиб таллантлар ниҳоятда кам туғилади. Чунки унинг қўшиқларида, шеърларида, хикояларида, хотира битикларида, чизган суратларида ҳеч эскирмас, ҳеч тинмас ахборот бор эди. Демак, унинг бой меро-

сини чуқур ўрганиш ва халққа етказиш ишларини давом эттириш керак.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу ҳайкал Ботир Зокиров хотирасига ўрнатилган рамзий бир тимсолдир. Айни пайтда Янги Ўзбекистонда маданият ва санъатни раванг топтириш йўлида олиб бораётган барча ислохотларимиз ва уларнинг амалий натижалари бу улуғ ижодкорга энг муносиб ёдгорлик бўлади.

Умуман олганда, мамлакатимизда маданият соҳасига қаратилаётган катта эътибор юртимизнинг бой маданий меросини чуқур кадрлаш, унинг маданий меросини асраб-авайлаш, тарғиб қилиш ва ҳозирги ва келажак авлодлар учун қайта тиклашга интилиши билан асосланади. Бу саъй-ҳаракатлар беиз кетмаслиги, шубҳасиз. Зотан, зиёли, илғор фикрли боболарини таниган авлоднинг ғурури, қадди юксалади.

Нодиржон АБДУВАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Глобал иқлим ўзгаришларига миллий мослашув

Бугун жаҳон ҳамжамияти иқлим ўзгаришини инсоният олдида турган энг жиддий муаммолардан бири, деб тан олмақда. Иқлим ўзгаришларига қарши ўз вақтида чоралар қабул қилмаслик унинг оқибатларини бартараф этиш учун мамлакатлар катта маблағларни йўналтиришига тўғри келади.

Маълумотларга кўра, ҳар йили 1,4 миллион киши тоза сув етишмаслиги сабабли вафот этмоқда.

Илм-фан тараққий этаётган XXI асрда сайёрамизда ҳар тўрт кишидан бири, яъни 2 миллиард инсон тоза ичимлик суви таъминотига эга эмас. Дунёда оқова сувларнинг 44 фоизи хавфсиз тарзда тозаланмаслиги 3,6 миллиард инсоннинг хавфсиз санитария шароитларига эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қиляпти.

2050 йилга бориб сувга глобал талабнинг 55 фоизга ошиши эса инсониятни яна бир бор БМТ платформасида чуқур мулоҳоза қилган ҳолда ҳамкорликда ҳаракатларни тезлаштиришга чорламоқда.

Кейинги 15 йил ичида мамлакатимиз аҳоли жон бошига сув таъминоти 3 048 куб метрдан 1 589 куб метрга қисқарган. Жаҳон сув ресурслари институти томонидан эълон қилинган сув стрессидан азият чекаётган давлатлар рейтингида Ўзбекистон 164 та мамлакат орасида 25 ўринни эгаллайди.

Дунё аҳолиси сони кўпайиб борар экан, табиий ресурсларга, биринчи навбатда, сув ресурсларига эҳтиёж тобора ортмоқда. Юртимизда мавжуд сув ресурсларининг 91 фоизи қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Бу эса сув танқислигининг олдини олиш учун энг мақбул чора сифатида экинларни суғоришда сувни тежовчи технологияларга ўтишни тақозо этмоқда.

Шу боис, сўнгги йилларда мамлакатимизда сув ресурсларини бошқариш ва уларни муҳофаза қилиш борасида мукамал ташкилий-ҳуқуқий асослар шакллантирилди. Масалан, соҳага доир кўплаб Президент фармон ва қарорлари мамлакатда сув ресурсларидан самарали фойдаланишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Ушбу йўналишда олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида ҳозирги кунда сувни тежайдиган технологиялар қамраб олган майдон суғориладиган майдонларнинг қарийб 25 фоизини ташкил қилиб, бунинг ҳисобига 2023 йилда салкам 7 млрд. куб метр сув иқтисод қилинган ҳолда, 830 минг гектар такрорий экин майдонларини суғоришга йўналтирилди. Умуман, бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 10 май куни қишлоқ хўжалигини иқлим ўзгаришига мослаштириш, ерлардан самарали фойдаланиш ва соҳани илмий ривожлантиришга қаратилган таклифлар тақдими билан танишиш давомида ҳам ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, бу борада мутасаддилар олдида аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Мамлакатимизда 3 миллион гектар яйлов ва экин ерлари деградацияга учраган, 2 миллион гектарга яқини турли даражада шўрланган. Хорижий экспертлар иқлим ўзгариши сабабли 2030 йилга бориб, минтақамизда сув ресурслари қарийб 6 фоизга қисқаришини айтмоқда. Бу эса ўз вақтида зарур чоралар кўришни тақозо этади.

Бу борада қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгаришига мослашиш ва соҳанинг иқлимга салбий таъсирини юмшатиш бўйича 52 банддан иборат миллий дастур ишлаб чиқилгани айни муддао бўлди. Сабаби, ушбу Дастур доирасидаги чора-тадбирларга 294 миллион доллардан ортик грант маблағлари жалб қилинади.

Ушбу маблағлар ҳисобидан эса Оролбўйида 1 миллион гектардаги агроэкологик ландшафтлар ҳамда деградацияга учраган яйловлар ҳолати

яхшиланади. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ихотазорлар барпо қилинади. Сув таъминоти оғир ерларда қизилмия, наъматак, кунжут, артемия етиштириш йўлга қўйилади.

Шунингдек, иқлим ўзгаришини таҳлил ва башорат қилиш бўйича марказ тузилиб, 5 та вилоятда агрометеорология станциялари ўрнатилди. Италия билан ҳамкорликда Интенсив уруғчилик ва кўчатчилик халқаро маркази, шўрга ва сувсизликка чидамли экинлар бўйича эса уруғчилик хўжалиги ташкил этилади.

Сир эмаски, Амударёнинг куйи минтақасида сувни тежаш масаласи жуда долзарб ҳисобланади. Шу сабабли Қорақалпоғистонда ерни лазерли текислаш харажатлари учун субсидия ажратиш режалаштирилмоқда. Бунда пахта, бошқоқ дон ва шоли етиштирувчиларга лазерли текисланган ҳар бир гектар майдонга сарфланган ёқилғи-мойлаш материаллари харажати 100 фоизгача қисмини қоплаш учун Давлат бюджетидан субсидия берилиши эътиборга моликдир.

Биринчи босқичда бу Тўрткўл, Беруний ва Амударё туманларида амалга оширилади. Натижада бундай майдонларда ҳосилдорлик ўртача 5-7 центнерга ошади ва сув сарфи 15-20 фоиз тежаланилади. Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан бирга, пировардида одамларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, уларни бандлигини таъминлашга туртки бўлади.

Моҳира ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты



«...ҒАРҶИ ЛАТОФАТ КЎРМИШАМ»

ёхуд Хоразм таассуротлари

(Боши 1-саҳифада)

*Дўстлар, бу кун ажиб
бир сарвиқомат кўрмишам,
Сурати бошдин оёқ ғарқи
латофат кўрмишам.*

Ўз ботинимда янграган ғазал-қўшиқни қандай мазза қилиб тинглаган бўлсам, Огаҳий бобо эккан тутдан ҳам худди шундай лаззат ила тотиндим. Бири жисми-ни тўйинтирган эса, иккинчиси руҳимга озуқа бўлди.

Ўзгалар учун оддий ҳол бўлиши мумкин, лекин Огаҳий эккан деб қараладиган, кўринишидан ҳам жуда қари тутнинг мевасидан тотиниш мен учун ҳаяжонли кечди. Наҳотки, асрлар ўтса ҳам Огаҳийнинг қўли теккан тут ҳали-ҳамон яшамоқда ва унинг ширин мевасидан бизлар бахраманд бўлмоқдамиз! Шунинг учун ҳам яхши фарзанд, яхши боғ ва яхши китоблар қолдир, деган эканлар-да. Ахир, Огаҳий бободан тут тимсолида боғ ҳам қолибди, майли у ҳам бир кун ҳаётга видо айттар, шунда ҳам китоблари яшашда давом этади-ку!.. Яна ўн ёки кўпроқ минг йил ўтар, эҳтимол, китоблар ҳам унутилар, лекин Огаҳий сингари улуғ сиймолар куйлаган эзгулик, муҳаббат, эътиқод яшашда давом этаверади. Агар уларнинг ҳам умри битса, у ҳолда, ҳаётнинг бор бўлишидан маъно қолмайди.

ИЖОД МАКТАБИДАГИ ҒАРОЙИБ УЧРАШУВ

Тутдан тотиниб турар эканмиз, узокроқда – улкан гужумлар остида 15-20 чоғли ёш кизчалар ўтириб олиб гурунглашарди.

Менга бу манзара жуда ажойиб туюлди. Худди бир вақтлар кўп кўрганим, шаҳарда яшай бошлаганимдан бери учратмай кўйганим манзара эди бу! Қишлоғимни, болалигимни ёдимга солиб юборди. Телефонимни чиқариб, “гужумли” кизчалар даврасини олисдан “чиқ-чиқ” этиб суратга олдим.

Шу вақт ёш ёзувчи Жуманазар Йўлдош ёнимга келди-да, “Устоз, улар менинг ўқувчиларим, Огаҳий мактабининг битирувчилари. Агар хўп десангиз, уларни суҳбатга чақирсам?” деб қолди.

Мен аввалига “балки керакмас-дир” дедимда, қайрилиб, Дилшодбекка юзландим: сиз нима дейсиз?

– Майли, бўлади, – дея кўниб қолди Дилшодбек.


– Унда чақирманг, ўзимиз олдиларига борамиз! – дедим мен.

Ҳаммамиз бошлашиб гужумлар остида ўтирган кизлар давраси томон юрдик. Бизни кўриб улар ҳам ўрниларидан туришди-да, яқин келиб сўрашишди. Кейин Дилшодбек

бизни уларга таништиргач, кизларнинг бари жўр бўлиб: таниймиз. Яқиндагина “махсус фан”дан Улуғбек Ҳамдам ижодини ўтгандик. “Мувоzanат”, “Сабо ва Самандар”, “Исён ва Итоат”, “Ота” деган романларингиз бор. Уларни ўқиб, бизда жуда кўп саволлар туғилганди. Сизни, рақамингизни қидириб тополмагандик. Ноилож қолиб хат ёзгандик. Энди кўрингки, биз қидирган одам, яъни сизнинг ўзингиз бу ерга келиб турибсиз!”

– Ростданми? – Хитоб қилиб юбордим мен.

Чиндан, ҳаётда бундай учрашувларни агайин уюштириш анчайин мушкул иш. Сунъийлиги, чоклари



дарров билиниб-кўриниб қолади. Бу ерда Тангри таолонинг “Ҳаёт” деган асаридан ушбу учрашув эпизоди шундай моҳирона тасвир этилиб турардики, таърифига тилим тугилди, дейишдан ўзга сўз тополмайман. Ахир, ўзингиз бир ўйланг: ижод мактабининг ўқувчилари бир ёзувчи асарини ўқиб, ундан таъсирланиб, ўзи билан гурунги қилиш имконини тополмай, унга мактуб битиб туришганда, ёзувчининг ўзи улар яшаётган олис гўшага янада олис бир гўшадан 56 йил деганда илк бор қадам қўйганча гужумлар соясида ўтирган ўқувчиларнинг қошида пайдо бўлиб қолса, сиз қандай ҳолга тушиб, нима сўз айтган бўлардингиз!?!..

АМУДАРЁ ЎЙЛАРИ

Дарё устидан кечарканмиз, сувига боқдим: кўп ҳам эмас, оз ҳам. Ҳар ҳолда, менга шундай туюлди. Атроф-худуд, менинг назаримда, яхшигина кўкаламзор эди. “Беруний” туманидан ўтарканмиз, шогирдим Анварни эсладим. Ортда Гурлан қолганди, Фарход деган яна бир шогирдим у ердан. Ҳонқа ва Урганчдан Зебо ва Шаҳодат деган шогирдларим бор. Қайтишда Эллиққалъада жойлашган

Тупроққалъага йўл олдик. Ҳамма жойлар яшнаб турарди. Хоразм ёки Қорақалпоғистон деганда айримлар чўлу биёбонга айланиб бораётган маконни тасаввур қилишлари мумкин, эҳтимол. Ундай эмас экан.

Водийларниқидан қолишмайдиган манзараларни кўрдим. Ва бу, албатта, сув билан, унинг етарли миқдори билан боғлиқ. Етарли миқдорда сув бўлса, юртимизнинг мазкур гўшалари яна янги цивилизация марказларидан бири бўлиши тўғрисида ўйлаб кетдим. Чунки юқорида тўхталганимиздек, бу элда эркинлик бор – тафаккур эркинлиги, яшаш эркинлиги. Қолаверса, Хоразмда узлуксиз равишда дав-

Гапнинг қисқаси, нима демокчи бўлганимни тушундирингиз, бу ўлкага сув сувдек керак, ҳатто ҳаводек десак ҳам бўлади. Сув бўлса, у тагин гуллаб яшнайдди. Бунинг учун бошқа сабабларнинг барчаси етарли.

Кейинги вақтларда ёмғирлар мўл-кўл ёғяпти. Оролнинг суви ярим метрга кўтарилгани тўғрисидаги хабарларни ўқидим. Ажаб эмаски, юртимиз сувсизлик балосидан халос бўлса. Ҳар ҳолда, сув сиёсатини тўғри йўлга қўйиш тақозо этилади. Яъни инсон омили, унинг олган тадбирлари ҳам муҳим. Айни пайтда, юртимизни, юртларни сув босмасин, дея дуо қиламиз!

Мен сафар давомида бошқа соҳа вакиллари бўлмиш Эргаш ака (кордиолог), Ўткир ака (тарихчи), Мўмин ака (тадбиркор), Шаҳзодбек (санъаткор) каби юраклари тилло одамлар билан танишиб, суҳбатлашганимда олган завқларимни ҳам эслаб қолдим. Мени «Ичан қалъа»ю «Нуриллобой саройи»га олиб бориб таништирган Бекпошшо, Сарварбек ва Абдулланнинг, умуман, хоразмликларнинг меҳмондўстлигию самимиятининг ўзи алоҳида дoston бўлғуси.

Шундай қилиб, “Хоразмга сафар” деган эртак ниҳоясига етди.

Сиз Хоразмнинг фақат яхши томонларини ёзибсиз, деган дўстларимизга айтарим шуки, яхши томонларига суянишни билсак, камчиликларимизни баргараф этиш осонроқ кечади. Чунки чўкаётган одамни кутқариб қолиш учун инсоннинг бир оёғи ва бир қўли мутлақо ва мутлақо мустаҳкам ўзакка боғланмоғи шарт. Бу ерда “чўкаётган одам” муаммога тўғри ёндашиш кераклиги билан боғлиқ бир рамз, уни Хоразмга боғлаб ўтирманг. Биз бир кемадамиз, Бобур ҳазратлари айтмоқчи, яшасак ҳам бирга яшамоғимиз, ўлсак ҳам бирга ўлмоғимиз керак. Тўғриси – шу!

Хоразмга маъруза ўқигани бориб, ўзим ҳам ундан олам-жаҳон сабоқ олиб қайтдим.

Дўстлар, бу кун ажиб

*бир сарвиқомат кўрмишам,
Сурати бошдин оёқ ғарқи
латофат кўрмишам.*

Сафар давомида Огаҳий битган, Шерали хофиз куйлаган ўша сарвиқомат мен учун Хоразм юрти, Хоразм эли бўлди.

Юртимизнинг ҳар гўшаси гуллаб яшнасин!

Улуғбек ҲАМДАМ

ДИЛЛАШУВГА АЙЛАНГАН

Ёшлар — эртамиз эгалари, келажак ворислари. Юрт тақдири, тараққиёти ўсиб келаётган авлоднинг билими, дунёкараши, масъулиятига боғлиқ. Шундай экан, уларга муносиб шароит яратиш, ўзлари танлаган соҳада етук мутахассис бўлиб етишишлари учун бугун барча шарт-шароит яратиш берилмоқда. Тарбиячининг энг аввало ўзи тарбияланган бўлиши керак, деган нақлнинг амалдаги ифодаси сифатида айтиш пайтда ёшларга сабоқ берувчиларга ҳам жиддий талаблар қўйилмоқда. Ахир, замонавий технологиялар ва илмнинг сўнгги янгиликларидан бохабар бўлмаган киши энди талабаларга дарс беролмайди, берса ҳам узоққа бормайди. Шу боис ўқиган, интилган, ўз устида тинимсиз ишлайдиганларгина чин маънода устоз бўлишга лойиқ.



Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси топшириғи асосида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан ҳамкорликда “Маърифат улашиб” лойиҳаси доирасида бир нечта университетларда ёшлар билан учрашиб, шундай хулосага келдик. Жумладан, биринчи манзилимиз — Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маматкул Ҳазраткулов, таниқли ижодкор Зухро Эшонқулова ва камина маданий-маърифий тадбирларда қатнашдик.

Дастлаб университет талаба-ёшлари билан учрашувда бугунги адабий жараён, китобхонлик маданияти ва ёшларнинг адабиётга муносабати ҳақида сўз юритилди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида университет ҳудудида кўчат ўтказдик. Ўқув муассасасидаги “Беш муҳим ташаббус” маркази қошида ташкил этилган “Заковат” ва “Баҳс-мунозара” клублари фаолияти билан танишиб, талабалар бирга интеллектуал ўйинда иштирок этдик.

Мазкур университет ректори Худойназар Юнусов узоқ йиллар Россияда яшаб, олий таълим муассасаларида тахсил олди, талабаларга дарс берган. Москва давлат университети биология-кимё факультети декани сифатида меҳнат қилаётган профессор 2018 йилда Ватанга таклиф қилинди ва шу йилдан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ректори вазифасида фаолият юритмоқда. Унинг ҳар бир сўзи, мулоҳазалари эътиборни тортади. Айниқса, ҳамма нарсани очиқ-ойдин айтиши, муаммоларни яширмаслиги, соҳа ривожини учун қилиниши керак бўлган асосий вазифаларни санаб бериши, талаба-ёшлар би-

лан кадрдонларча суҳбатлашиши самимиятидан дарак бериб турарди. Фаоллар залида бўлган мулоқотда ҳам, кечқурун уюштирилган талабалар турар жойидаги меҳмондорчилик ва гулхан атрофидаги диллашувларда ҳам таълим даргоҳи раҳбари ёшлар билан бирга қувнади, яйраб ўтирди.

— Ёшларнинг кўнгилга йўл топсангиз, улар ҳеч қачон сизни алдашмайди, тўғри йўлдан ҳам адашмайди, — дейди ректор. — Мен фурсат топдим дегунча уларнинг хузурига ошиқаман, суҳбатлашаман, ўйлантираётган муаммоларини билишга ҳаракат қиламан. Ўз ўрнида талабалар ҳам биз билан бемалол суҳбат куради.

Дарҳақиқат, бу ерда расмиётчиликдан асар ҳам кўрмадик. Илмга ташна, китобга ошна ёшларнинг ҳар бирида катта иқтидор борлигига гувоҳ бўлдик. Уларнинг қисқа фурсатда сахналаштирган асарлари, кўшиқ ижро этишлари, шеър ўқишлари, рақсга тушишларини кўриб, бир биримизга бу ер санъат институти эмасми мабодо, дея ҳазиллашдик ҳам. Зеро, маромига етказиб ижро этилган ҳар бир ижод маҳсули уларнинг шу тадбирга тайёргарлик кўришганини эмас, балки аввалдан ижодга мойиллигини исботлади. Бу борада эса талабаларга акадек меҳрибон бўлган яна бир киши — проректор Алибек Гаппаровнинг ўрни ва хизмати бекиёслигини ҳам англаб етдик. Ўзи ҳам ёшгина бўлган Алибекка кўп вазифалар юклатилганини, бу ишларни у сидқидилдан адо этиб, бошқаларга ўрнак бўлаётганини университет ректори Худойназар Юсупов ҳам ифтихор ила таъкидлаб ўтди.

Биз ушбу университетга бириктирилган учта мактабда ҳам бўлдик. Хусусан, Жомбой туманида жойлашган 42-мактаб жамоаси билан бўлиб ўтган уч-

рашув узоқ вақт ёдимиздан кўтарилмаса керак. Ўқувчиларнинг бири-бирдан қолишмайдиган тарзда шеър ўқишлари, қимтиниб-тортиниб ўзлари ёзган ҳикояларни кўрсатишлари, заковат, футбол мусобақасидаги зукколигу чакконликларини кўриб, болалигимиз эсимизга тушиб кетди. Жисмоний тарбия дарсида битта копток топиш орзу эди, баскетбол, волейбол, гандбол нималигини билмасдик. Қиш-киривли кунларда бу дарсни синфда, ўрнимиздан турган ҳолда оёқ кўлимизни тепа, ён, пастга қилиб ўтардик. Чунки шароит йўқ эди. Бугун эса ҳаммаси бошқача. 42-мактаб директори Шаҳодат Алимова билан шулар хусусида суҳбатлашарканмиз, у ортада қолган қийинчиликлардан кейин бугунги замон ёшларига берилган имкониятлар ҳақида гапирди ва сўзи охирида ўзи раҳбарлик қилаётган мактабнинг спорт зали йўқлигини, совуқ кунларда бунга жуда катта эҳтиёж борлигини билдириб ўтди...

“Маърифат улашиб” лойиҳаси доирасидаги иккинчи манзилимиз Самарқанд давлат тиббиёт университети бўлди. Университетнинг ташкил этилиши, кечаги кунни, бу даргоҳда меҳнат қилган инсонлар ва уларнинг фаолиятини акс эттирган музей билан танишув таассуротларга бой бўлди. Университет ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Жасур Ризаевнинг айтишича, олий таълимни ривожлантиришга қаратилаётган бугунги юксак эътибор туфайли ўқитиш сифати ҳам яхшиланиб бормоқда. Университет талабаларнинг илмфан сир-асрорларидан бохабар бўлишлари, амалиёт ўташлари учун замонавий ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган. Қисқаси, шундай шароит яратилганки, энди пухта билим олмаслик, ватанга муносиб хизмат қилишни дилга тугмаслик уят бўлади.

Самарқанд давлат тиббиёт университети проректори Элдор Тангиров ҳамроҳлигида университетни айландик. Замонавий ва кўркем бинога эга бўлган таълим маскани ҳовлисида, аудиторияларда чет эллик талабаларни ҳам кўрдик. Айниқса, Ҳиндистондан келган талабалар кўп экан. Фармацевтика ва тиббиёт ўта ривожланган Ҳиндистондек мамлакатнинг ёшлари юртимизга келиб ўқиётгани бизни ғурурлантирди. Айтиш пайтда бу ҳолат бизда таъ-



ТАШАББУС

лим олиш анча арзонлигини ҳам кўрсатади. Махатма Ганди дерида тахсил олиш жуда қиммат ва рақобат кучли. Ҳар қандай шароитда ўқишни, етук мутахассис бўлишни аҳд қилган ҳиндларнинг Ўзбекистондаги университетларда тахсил олиш борасидаги кучли истаги бизнинг айрим талабаларни тегишли хулосалар чиқаришга ундаса, ажаб эмас...

Асосий юмуши ёшлар билан

фойдалансак, қандай натижалар беришини билмоқчи бўлган одам ТАТУга албатта бориши керак экан. Филиал талабалари ахборот технологиялари билан қандай “тиллашса”, адабиёту ижод билан ҳам худди шу каби “диллашар” экан. Ўзбекистон қаҳрамони Абдулла Ориповнинг “Юртим, сенга шеър битдим бу кун” деб бошланувчи шеърини ўқишни бошлаганимизда талабалар жўр бўлишди, кейин ўзлари бирма бир чиқиб, ижодларидан намуналар ўқишди. Беғубор ва самимий диллардан отилиб чиққан шеър хикоялар бизни мутаассир этди. Гулхан атрофидаги суҳбатлар, филиалга бириктирилган Ургут туманидаги мактаблардаги учрашув-



тишлари бежиз эмас экан. Энг аввало филиалнинг маҳобатли биниси туман кўркига кўрк қўшган бўлса, у ердаги тамоман бошқача шароитдан кўз узолмайсиз. Ҳар бир аудитория мукамал жихозланган. Бирор бир бурчакда ташландиқ тугул, гард ҳам кўрмадик. Бунинг сабабини айтишди: Каттакўрғон шаҳар ҳокими Гавҳар Алимова озодаликни биринчи ўринга қўяркан ва бошқалардан ҳам шуни талаб қиларкан. Жуда одил ва оқил талаб. Мана нима учун Президентимиз аёллардан раҳбар кўпроқ бўлишини истайдилар. Аёл ўзи назокат ва малоҳат соҳибаси бўлиш билан бирга, ҳар бир юмушга масъулият билан ёндошади. Улар ноҳўя хатти-ҳаракатни, миллат ва юрт манфаатига зид ишларни

хаёлларига ҳам келтиришмайди.

СамДУ Каттакўрғон филиали директорининг маънавият ишлари бўйича ўринбосари Шомурод Мустафоев ғояси ва ташаббуси билан ижодкор ёшларнинг сахна кўринишларини томоша қилиб, Баходир Йўлдошевдек атоқли режиссёр, Мажидий номидаги театрнинг додруғи бежиз эмаслигига иқроор бўлди. Талабаларнинг таниқли ижодкорлар асарларидан илҳомланиб, “Ҳаловат”, “Чўли ироқ”, “Онамга йигирма минг сўм” каби хикояларни сахналаштиргани, ва, ҳатто қисқа метражли кино ишлашганига қойил қолдик. Қизлар сахнага чиқиб шеър ўқиганда фахрландик. Уларнинг қай бири ота ҳақида шеър айтса, бошқа бири Ватан шаънига баланд сўзларни айтиб, шеърга, сўзга, китобга ошно бўлиш қанчалар ибратли эканлигини амалда кўрсатишди.

Айтиш жозки, бу каби тадбирлар ташкил этилиши ҳар жиҳатдан наф келтиради. Таниқли ижодкорларнинг мулоҳазалари, асарлари, кечаги ва бугунги кунларни таққослашлари ёшларга катта мотивация беради. Ҳар бир кишида истеъдод бор, факат уни уйғота билиш керак деганларидек, бу юзма-юз диллашувлар иқтидорли талабаларни кашф этади, уларга илҳом бағишлайди. Ҳеч бўлмаганда улар қалбида китобга ошнолик ҳиссини уйғотади. Китобга, мутолаага дўст тунинган киши эса доим эзгуликка камарбаста бўлади...

Максуд ЖОНИХОНОВ



ишлашни тақозо этадиган Элдор Тангиров ростдан ҳам ўз ишининг устаси экан. У қайси талабада қандай иқтидор бор, кимнинг қанақа ташвиши бор, ким нима ғамда — ҳаммасидан хабардор экан. Талабалар ва университет раҳбарияти ўртасида ўзига хос элчи вазифасини бажарадиган бундай лавозим эгаси хушёр ва зукко, фаросатли ва зийрак бўлса, ҳар икки томон ҳам ютишини яна бир карра англадик. Зеро, Элдор билан талабаларнинг ака-укалардек гаплашишлари, бир-бирларини сўзсиз тушунишлари, устоз-шогирд макомида мулоқот қилишлари одамнинг ҳавасини келтиради. Ана шундай ўзаро тушуниш, қўллаб-қувватлаш ва рағбат бор жойда ўсиш, униш кузатилиши муқаррар.

Кейинги манзил – Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалидаги ижодий мулоқотлардан аввал аудиторияларни айландик. Ўқиш, талабалик деса кўзимиз партаю дафтар ручкага ўрганиб қолганиданми, бу ердаги сабоқ жараёнини кузатиб, тушунмайроқ турдик. Кейин эса қаерга келганимиз эсга тушиб, ёшларнинг дастурлаш ва лойиҳалаш, қурилишга доир ишларни компьютерда қай тарзда рақамлаштириш мумкинлиги ҳақидаги дарс қилишларини кўрдик. Телефон, интернет асрида ёшларимизни улардан қайтаришни эмас, балки шу воситалардан унумли



лар ҳам худди шу тарзда давом этди.

Навбатдаги манзил — Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттакўрғон филиалига йўл олдик. Не-не фозилу фузалоларга, шоир ва ёзувчиларга, ихтирочиларга бешик бўлган СамДунинг кечаги куни, бугуни ҳақида гапиришнинг ўзи ортиқча. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу илм даргоҳининг икки туман — Ургут ва Каттакўрғон филиалларининг ташкил этилиши айни муддао бўлди. Бугун ҳар икки тумандаги филиалга борсангиз, шижоатли, илмга ташна ёшларни кўрасиз. Хусусан, каттакўрғонлик йигит-қизларнинг жўшиб, ёниб, баралла ўзларини кўрса-



БОЛАЖОНЛАР ИНТИЛГАН МАСКАН



Мактабгача таълим ташкилотимиз ҳақида шу ҳудудда яшовчи ота-оналардан ҳамиша яхши фикрлар эшитамиз. Сабаби, масканимизда кенжатоилар учун барча шароитлар яратилгани, педагоглару тарбиячилар болалар таълим-тарбияси йўлида жон куйдиришади. Улар ўртасида устоз-шогирд аънаси йўлга қўйилган. Айрим пенсия ёшидаги тарбиячилар билан суҳбатлашсангиз, улар гўдаклигидан шу боғчани билишини, ўзининг шу ерда тарбиялангани, онасининг вақтида ушбу боғчада ишлаганини гапириб беради.

Менинг мазкур МТТга келганимга ҳали кўп бўлган эмас. Бунгача кўшни Сергели туманидаги мактабгача таълим ташкилотиди, мактабда ишлагандим. Самарқанд давлат чет тиллар институтида ўқиганман. Мутахассислигим айнан шу соҳага мос. Шу сабабдан етарли малакага, тажрибага эгаман.

Ҳар куни эрталаб боғчамиз дарвозаси ёнида бир хил манзара. Ота-оналар дилбандларини етаклаб келади. Мен ва бошқа ҳамкасбларим, таълим ташкилоти раҳбари Камола Каримова билан

биргаликда кичкинтойларни бирма-бир кутиб оламиз, зарур ҳолларда ота-оналар билан суҳбатлашишга ҳам улгурамиз.

Эътиборли жиҳат, таълим ташкилотимиз ҳовлисининг ҳақиқий дам олиш масканларидек эканлиги. Дарахларнинг сероблиги, турфа гулларнинг чамандек очилиб туриши жажжи болалар дилларини яшнатиб юборади. Барпо этилган ихчам майдончаларда болажонлар турли ўйинларда иштирок этишади.

МТТда 4 та гуруҳ мавжуд. Уларда бир неча тўғараклар

ишлаб турибди. Ана шу тўғараклар машғулотларида қатнашишни ҳамма кичкинтойлар исташади. Тарбиячилар эса улардаги кизиқишни янаям оширишга ҳаркат қилишади. Айниқса, ота-оналар фарзандларининг инглиз тили, бадий гимнастика, таэквандо бўйича ташкил этилган тўғаракларда иштирок этишини маъқул кўришади.

Тўғараклар раҳбарлари, тарбиячилар, педагоглар, ҳамшираларимиз ва бошқа соҳада меҳнат қилаётган ходимларимизнинг барчаси ўзларига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришади. Тарбиячиларимизнинг барчаси ишда ибрат. Очиғи, жамоамизда ёмон ишлайдиганнинг ўзи йўқ. Ходимларнинг ҳаммаси билимдон, кичкинтойларга

меҳр қўйишган. Ҳар бир байрам, муҳим саналар кичкинтойлар ўртасида эса қоларли қилиб ўтказилади.

МТТда тарбияланаётган ҳар бир кичкинтойнинг бу ердаги вақти шодон кечади. Жажжи қалбларга Ватан, ота-она, юртдошларга меҳрли бўлиш, маънавият, маданият, одоб-ахлоқ борасидаги муҳим фазилатлар сингдирилади. Жажжи болакайлар шеър ўқиш, ашула айтишда, спорт машғулотларида иштирок этишда худди бир-бирлари билан мусобақалашаётгандек туюлади.

Лобар САТТОРОВА,
Тошкент шаҳар
Янгиҳаёт туманидаги
351-МТТ
тарбиячиси.

Жинойятга жазо муқаррар

ПОРА



— Ўша куни танишим С.С. кўнғироқ қилиб, ишончномаси йўқлиги учун йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими машинани жарима майдонига жойлаштирганлигини айтди, — деди судда судланувчи Ф.Х. — Унинг гапи бўйича айтилган манзилга етиб бордим. Автомашиналарни вақтинчалик сақлаш жарима майдонида йўл патруль хизмати катта инспектори А.Т.га танишим ишончномасиз машинани бошқарганлиги учун расмийлаштирилган маъмурий баённомани ижрога қаратмаслик ва машинани чиқариб бериши хусусида ёрдам сўрадим. ЙПХ инспекторига хизмат ҳақи сифатида бир миллион сўм таклиф қилдим. У эса рад этиб, бу жиноят экани ҳақида бир неча марта мени огоҳлантирди. Мен эса қайта-қайта пул таклиф қилавердим. Мақсадим танишимга ёрдам бериб, машинани тезроқ жарима майдонидан чиқариш эди. Ўша куни кечкурун жарима майдонининг қоровулхонасида ходимга 1.000.000 сўм берган вақтимда уч-тўрт нафар фуқаро кийимидаги орган ходимлари мени ушлади. Бундай бўлишини ўйла-

магандим. Ҳозирда қилган ишимдан пушаймонман. Оилавий шароитимни ҳисобга олиб, енгилроқ жазо беришингизни сўрайман.

Суд Ф.Х.нинг пора беришда ифодаланган жиноий ҳаракатига қонуний баҳо берди. Унга 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди. Шу ўринда айрим мулоҳазаларни айтиб ўтиш ўринли. Коррупция қандай жиноят эканлиги, унинг салбий оқибатлари хусусида кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш талаб этилади. Негаки, бу иллат фуқаролар ишончини сўндириб, уларнинг ҳуқуқ ва қониний манфаатларига жиддий зиён етказди. Шунинг учун ҳам коррупцияга қарши курашиш бугуннинг долзарб вазифаларидан бири.

Бахтиёр АЛИМОВ,
Жиноят ишлар бўйича Яшнобод туман судининг раиси.

ИЧКИЛИК КАСОФАТИ

Ичкилик келтирадиган зарарлар тўғрисида кўп ёзилган, оммавий ахборот воситаларида унинг оқибатлари хусусида кўплаб мақолалар чоп этилган, кўрсатувлар тайёрланган. Ичкилик туфайли жанжал бўлиб муштлашиш ҳолатлари қайд этилмоқда. Энг ёмони, бу иллат боис фожиалар ҳам юз бермоқда. Фикримизнинг исботи сифатида яқинда судда кўрилган жиноий ишни келтириш мумкин.

А.К. Республика шошилич тез тиббий ёрдам илмий маркази болалар нейрохирургия бўлими шифокори вазифасида ишлаган. У ўтган йилнинг 19 сентябрь куни кеч 19.00 лар атрофида спиртли ичимлик истеъмол қилиб рулга ўтирган ҳолда автомашинани бошқарган. А.К. Яшнобод тумани, Оҳангарон шоҳ кўчаси бўйлаб кетаётганда бошқарувни йўқотган. Натижада қатнов йўлини ажратиш турадиган бетонга урилиб машина қарама-қарши томонга ўтиб кетган. Ўзининг йўналишида тўғри ҳаракатланиб келаётган И.И. бошқарувдаги “НЕКСИЯ” русумли автомашина билан тўқнашган. Орқадан келаётган яна бир машина билан тўқнашган. Натижада ҳайдовчи И.И.ва машина ичидаги икки нафар йўловчи олган тан жароҳатлари туфай-

ли ходиса содир бўлган жойда вафот этган. Иккинчи машинадаги йўловчилар эса жиддий тан жароҳати билан шифохонага олиб борилган.

Суд мажлисида судланувчи А.К. ўзига нисбатан эълон қилинган айбига тўлиқ иқроқлик билдирди. Қилган ишидан чин кўнғилдан пушаймон эканлигини, жабрланувчилар ва уларнинг яқинларидан кечирим сўраб, қўлидан келганча ёрдам бергани ҳақида кўрсатма берди. Ушбу бахтсиз ходиса унинг эҳтиётсизлиги оқибатида рўй берганлигини, оилавий шароитини, ягона боқувчи эканлигини инобатга олган ҳолда суддан нисбатан енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Суд судланувчи А.К.га жазо тайинлашда барча жиҳатларни эътиборга олган ҳолда унга 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жасосини тайинлади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Агарда А.К. маст ҳолда машинани бошқарганида эҳтимол, 3 нафар фуқаро балки вафот этмаган бўлармиди. Аслида фожианинг илдизи ичкиликка бориб тақалади. Оқибатини ўйламаган шифокор спиртли ичимлик ичмаганида ва рулга ўтирмаганида бундай аянчли ходиса юз бермасди. Бугунги кунда А.К. жазо муддатини ўтамоқда. У шу даврда ўзига тегишли ҳулоса чиқарса керак.

Мирусмон ГИЯСОВ,
Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг судьяси.

Болаларни чиниқтириш — ташқи муҳитнинг ноқулай таъсирларига мослашиш қобилиятини доимий равишда, лекин аста-секин ва эҳтиёткорлик билан ошириб боришдан иборат. Чиниқтириш натижасида бола организми турли зарарли таъсирларга, айниқса терлаб кетиш ва совқотишга бирмунча берилмайдиган бўлиб қолади. Бу унинг юқумли касалликларга қаршилиқ кўрсатишини оширади, касалланганда ҳам бирмунча енгил ўтади.

ЧИНИҚҚАН ДАРД БИЛМАЙДИ



Ҳаво билан чиниқтириш — энг аввал бола яшайдиган хонани яхшилаб шамоллатиб туриш керак. Айни вақтда йилнинг совуқ фаслида ҳам хонани ҳафтада камида 3 марта шамоллатиб туриш зарур, ёз пайтида эса дераза доим очик туриши керак.

Илк ёшдаги болаларни қишда кунига 2-3 марта (ҳавода ҳаммаси бўлиб 1-3 соат) сайр қилдириш зарур. Йилнинг иссиқ пайтида болалар куннинг ярмидан кўпроғини тоза ҳавода ўтказишлари керак. Ёзда болалар очик ҳавода ўйнагани, овқатлангани ва кундузи ухлагани маъқул. Болалар кийими йил фаслига мос бўлиши зарур.

Ҳаво билан чиниқтиришда ҳаво ванналаридан фойдаланилади. Қишда улар яхшилаб шамоллатилган, ҳарорати камида 20°C бўлган хонада ўтказилади. Дастлабки ҳаво ваннасининг давомийлиги 3-5 дақиқадан ошмаслиги керак. Бунда болани аста-секин ечинтирилади, олдин қўллари ва оёқлари, кейин эса белигача очиб қўйилади.

Ёзда илк ёшдаги болалар учун ҳаво ванналари 20°C дан паст бўлмаган ҳароратда тоза ҳавода қилинади. Биринчи ванна қарийб 5 дақиқа давом этади. Кейин бора-бора 1 соатгача узайтирилади. Ёзги ҳаво ванналари тўғри қуёш нуридан ҳимоя қилинган жойда (дарахтлар соясида ёки соябон тагида) соат 8 билан 12 орасида ўтказиш зарур. Ёз пайтида ҳам қишда ҳам ҳаво ванналари билан бирга ҳаракатчан ўйинлар ёки бадан тарбия машқларини ўтказиш лозим.

Қуёш ванналари эса 2 ёшдан бошлаб кунига 1 марта, нонуштадан 1-2 соат кейин ўтказилади. Кундузи соат 10-12 қуёш ваннаси учун қулай вақт ҳисобланади. Биринчи қуёш ваннаси 2 дақиқадан ошмаслиги зарур. Сўнгра ҳар 2 кунда боланинг офтобда бўлиш муддати 1 дақиқага (лекин 20-30 дақиқадан ошмаслиги керак) узайтирилади. Ванна қилинаётган вақтда боланинг бутун бадани очиб қўйилади, бош кийими, офтобдан ҳимоя қилувчи кўзойнак бўлиши лозим.

Муолажа вақтида болани диққат била кузатиш лозим. Унга совуқ сув ичириш, вазиятини ўзгартириб туриши керак. Қуёш ваннасини қилиб бўлиб болани соя жойга олиб бориш, нам сочиқ билан баданини ишқалаб артиш ёки устидан ҳарорати 30-36°C сув куйиш керак. Агар муолажа вақтида бола бўшашса, бош оғришидан шикоят қилса ёки юзи жуда қизариб кетса ва тер босса, қуёш ванналарини тўхтатиб қўйиш ва шифокор билан маслаҳатлашиш керак.

Сув билан чиниқтириш — энг



содда ва самарали усулардан бири. Болани сув билан чиниқтириш учун ҳар куни сув муолажаларини бажариш (ювинтириш, ишқалаб артиш, оёқларини ювиш) керак. Ювинтираётганда (юз, бўйин, шунингдек тирсакча) сувнинг дастлабки ҳарорати 30°C бўлиши, кейин ҳар 3 кунда 1°C га пасайтириб бориш ва 20°C гача (2-3 ёшли болалар учун) тушириш лозим.

Одатда 2 ёшдан бошлаб маҳаллий сув муолажасини қилиш (масалан, оёқни ювиш) мумкин. Сувнинг дастлабки ҳарорати 35°C бўлиши керак. Сув ҳароратини ҳар 3-4 кунда 1°C га пасайтирилиб 24-22°C га туширилади. Бу муолажани ухлашдан олдин қилган яхши. Қўлда чўмилтиришни 2 ёшдан бошлаш ва албатта катталарнинг назорати остида ўтказиш тавсия этилади. Дастлаб 2-3 дақиқадан ортик чўмилтирмаслик керак. Кейин эса аста-секин 5-6 дақиқагача узайтириб борилади.

**Чаросхон БОБОЖОНОВА,
ТТА даволаш факультети
4 курс талабаси**

ЖАМИЯТ

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология, атроф-
муҳитни муҳофаза
қилиш ва иқлим
ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати –
Ўзбекистон
Либерал-
демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари
миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

**Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ**

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.

Буюртма рақами Г-510

Адади: 1015.

Пайшанба кунини чиқади.

Қоғоз бичими А-3,

ҳажми 2 босма табок.

Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон

матбуот ва ахборот

агентлигида

2006 йил 0010-рақам билан

рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жихатдан сифатли чоп
этилишига “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

Тошкент шаҳри,
Юнусобод тумани,
Боғишамол кўчаси, 7-уй
Маълумот учун телефонлар:
98-111-48-29
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:

jamiyat@umail.uz

Газета индекси – 131

“ЖАМИЯТ” дан олинган

маълумотларда манба

сифатида газета номи

кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6

E'LON

О‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi tomonidan Toshkent shahar, Olmazor tumani, Qamarniso ko‘chasi 3-uyda joylashgan Tuproqshunoslik va agrokimyo ilmiy-tadqiqot institutiga Prekursorlarni tashish, saqlash, ishlab chiqarish (laboratoriya) ehtiyojlari uchun foydalanish va yo‘q qilish bo‘yicha 2019 yil 25 iyulda Seriya: PR. LITSENIYA № 008402, Reestr tartib raqami 08291 bo‘lgan xujjat yo‘qolganligi sababli bekor qilinadi.



Низомий Ганжавий “Лайли ва Мажнун” достонида сўзнинг гўзаллиги, назокати, софлиги ҳақида ёзган қуйидаги сўзлар халқ орасида ҳикмат, панд, ўғит сингари қўлланилади:

*Сўзнинг ҳам сув каби
латофати бор,
Ҳар сўзни оз демоқ
яхшироқ бўлар.
Биринчи софлиги
бор эса-да сувда,
Ортиқ ичилганда
дард берар у-да.*

*Инжудек сўз танла,
оз гапир, оз тин,
Қўй, оз сўзларинг-ла
дунё безансин.
Асли тоза бўлган
соф марваридлар,
Сувга ва тупроққа
минг безак берар.*

Эркин Воҳидовнинг “Сўз латофати” китобини ўқир эканман, шу мисралар ҳаёлимга келди. Худди бу сатрлар асарнинг Асосий ўқ чизигидек. Латофатли сўзлар танланади ва айнан дунёга сочилган асли соф марварид (сўз)ларнинг изидан сувига – тупроғига қовушади. Латиф руҳли, нажиб қалбли шоир Эркин Воҳидов гўзал хиссий кечинмалари билан ўз умрини – ижод оламини нақшлаган экан.

Таржима қилиш жараёнида “Сўз латофати” ифодасини “Сўзнинг латофати” ва ё “Сўз нозиклиги” қабилда ўзгартиришни истадик. Чунки китобда бошдан оёқ сўзнинг назокати ва сўзнинг нозиклигидан баҳс этилган. Латофат сўзнинг маънодошларига ҳам назар ташладик: гўзаллик, мулойимлик, нозиклик, латиф кўриниш, латифлик ва ҳоказо. Бариси муаллифнинг фикрларига уйғун келди. Бундан ташқари, сўзнинг эстетик эшитилиши бор. Ниҳоят, Низомий Ганжавий сўзнинг ҳикматида Эркин Воҳидов нуктаи назаридан боқиб, муаллиф қарашларининг оригиналлиги устида тўхтадик: “Сўз латофати”.

Асарни ўқир экансиз, ўзингизни сўз билан дунёни безатган учар гиламда ҳис қиласиз. Ўша гиламининг миллий нақшлар билан оро берилган безаклари Сизни эртақлар

Сўз ҳайрати

оламига олиб боради, барча сўзларимизнинг тарихий илдизлари, “насли-насаби” билан таништиради. Бу асарни такрор-такрор ўқиб чиқдим, шундай самимий туйғулар, ширин тил, хассос муҳаббат билан ёзилганки, киши тўймайди. Бу китоб орқали бир ҳақиқатни янгитдан кашф этдим: биз ягона отанинг фарзандлари эканмиз. Чунки муаллиф томонидан илдизлари очиб берилган сўзларнинг бари озарбайжонча сўзларнинг тарихи, “шажараси, таржимаи ҳоли”дир. Ўқинг, шунда мен таъкидлаган ҳақиқатга ўзингиз ҳам шохид бўласиз.

“Бу сўзлар тилшуноснинг ҳукми эмас, қалам кишисининг фикридир”, – муаллифнинг бу эътирофи унинг зиёли киборлигига далолат қилади. Шоир сифатида олимлардан кечирим сўраб, ўз тадқиқотларини ўз идрок кучи ила кашф этади ва булар тилчи олимларнинг вазифаси эканлигини онинда ҳис этиб, шунга кўра узрхоҳлик қилади. Аммо ижодкор одамнинг қалбида ҳаммиша изланувчанлик масъулияти ҳамда миллий масъуллик ҳисси ҳам бўлади. Биласизки, шоирлар миллий туйғуларини яшира олмайдилар. Шунинг учун бўлса керак, қуйидаги сўзларига кўшилмасликнинг иложи йўқ: “Менга ким ижозат берди? – дея мувоҳасасага кирмайсан. Қолбуки, тил ҳаммамизга тегишлидир. Бу фақат тилшуносларга ажратилган бир домен эмас”.

Эркин Воҳидов “Сўз латофати” мавзуси эшигини очик қўйганча миллий ҳаяжон ила бонг уради: Сўзингга эга бўлсанг, бу майдонда собит тура оласан!

Сўзга том ҳоким бўлган шоирнинг юксаклиги шудир!

Эркин Воҳидов ижодиёти, албатта, Озарбайжонда танилган, тадқиқот доирасига тортилган, таржима қилинган. Миллий шоир ўлароқ кенг ўқувчилар оммасининг рағбатини, эҳтиромини қозонган. У, адабиётшунос олимларнинг ҳам, илмга энди кириб келган изланувчиларнинг ҳам, хусусан, Озарбайжон ўтган аср олтмишинчи йилларининг адабий мероси қиёсий таҳлил этиларкан, айнан ўша контекстда доимий мурожаат этиладиган сиймолардан биридир. 60-йиллар авлоди ҳақида сўз кетганда, дастлабки вақтларда шундай таассуротда эдикки, бу жараён собиқ СССР республикаларида содир бўлган фожиали мия кирғинидан сўнг пайдо бўлган ойдинликдир. Аммо дунё эшиклари тўла очилгандан сўнг “60-йиллар”нинг бутун жаҳонга хос адабий жараён эканлигига амин бўлдик. Фақат ижтимоий-сиёсий ҳодисалар фонида мафкуравий шароитлар хилма-хил эди. 60-чилар XX асрнинг 30-йил-

ларида, янаям тўғрироғи, 1936-37-йиллар қадағонининг авж нуктасида туғилган, улғайган авлоднинг ижодини тамсилчиларидир. Айни замонда, ўша йилларда қатл этилган авлоддан сўнгра кўқарган, яшнаган ёшларнинг яратувчанликларига ҳам нисбатан қўлланилади. Ўша машъум катлиомдан юрак олдирган наслдан кейинги авлод адабиётга нисбатан журъат билан, очик сўзли кириб келди (ҳар ҳолда, сиёсий мафкура тазйиқи ўз таъсирини кўрсатарди), сатр ости фикрларини етказа олган асарларни ўртага қўйди. Бундай адабиёт намуналарини Озарбайжонда, Ўзбекистонда, Қозоғистонда ва бошқа республикаларда, бир муддат ўтиб Туркия, Америка, Оврўпо (Габриэл Гарсиа Маркес ва бошқалари мисолида) адабиётларида кўрдик, ўқидик. Айтиш мумкинки, қон хотираси билан туғилган адабий намуналар глобал микёсда янги бир тўлқин, адабий кўтарилиш олиб келди. Яна бир ҳақиқат шуки, жасорат ҳам бор эди, эҳтиёткорлик ҳам. Поэзияда, насрда, ҳатто драматургияда энди ўз ўрнини эгаллаган, ҳа, мустаҳкамлаган янги ҳақиқат, янги яратилаётган ва яратилди.

Озарбайжон – ўзбек адабий алоқалар жараёнида Максуд Шайхзода ижодини тадқиқ этган Озарбайжон халқ шоири, истеъдодли ва очик сўзли, жасоратли Халил Ризо Ўзтуркнинг 1967 йилда ёзган Эркин Воҳидов билан боғлиқ фикр-мулоҳазалари билан танишгандим. Бугун айни сатрларга қайтадан боқдим: “Эркин Воҳидга хос хусусият унинг мумтоз шеъриятни яхши билишидир. Классик назмда, айниқса, Навоий, Фузулий лирикасида бир сўзнинг баъзан уч-тўрттагача маъноси бўлади. Шоир бу маъноларнинг ҳаммасини юзага чиқаради, сўзнинг имкониятларини ошқор этади. Янги ўзбек шоирлари орасида сўз қўллаш маҳорати, эркин ишлатиш жиҳатидан Эркин Воҳидга етадигани йўқдир (шоирнинг “Қатрлар”, “Юрак ва ақл”, “Шахмат ва шеър” поэтик намуналари, “Нидо” достонини тилга олади – О.У.). Эркин Воҳидда ... фалсафий фикрлаш кучлидир. Ёшларнинг ушбу битганлари янада чўнг ижодкорлик гаровидир”.

Ўзбекистон Қахрамони, Ўзбекистон Давлат мадҳиясининг муаллифи, халқ шоири Абдулла Орипов шоирнинг яратувчилик иқтидорини шундай ифода этади: “Бир неча ўн йилдирки, шеърият боғининг атиргул хидли ҳавосидан баҳра олмоқдамиз. Бу Эркин Воҳидов-шеърларидир. Она тилимиздаги ипак мисоли юмшоқ, камалакдек ранго-ранг, жуда нозик ва зариф,

инсон руҳини тўлқинлантирувчи тасвирлар, гоҳ кулдириб, гоҳида эса шунчаки табассум қилдирадиган ўхшатишлар, кескин ифодалар фақат унинг қаламига хос бетакрор фазлатлардандир”.

Рост, тафаккурлар майдонида ҳар ким ўз бахтини излайди: “Мен орзу қиламан тўрт йўл шеър битиб, Элга манзур қилсам ақалли бир бор”, – дея ниятланган, ёзган шоир, менимча, орзусига ноил бўла олгандир. Шу куннинг ўқувчилари қалбига, руҳига ҳоким бўла олган шоирнинг ҳикматомуз, фалсафий туйғулари тарихнинг турли ходисаларидан ўта олишига аминмиз. Эркин Воҳидовнинг шеърий китоблари орасида бир эпиграф бор: “Шоирнинг дарди халқ дардидир, унинг ҳар бир сўзи халқнинг ва замоннинг фарёдидир”. Ҳа, Эркин Воҳидов миллиятининг ва замонасининг овози, сўзи бўлган эди. Эркин Воҳидов ижод қилган мавзулар ранг-баранг бўлгани сингари, жанр, адабийтур хусусиятларига кўра ҳам хилма-хилдир:

Насрий асарлари – “Адабий портретлар”, “Шоир шеър шуур”, “Кўнгил нидоси”, “Сўз латофати”, “Қалб саодати”, “Изтироб” ва бошқа шу каби китоблардан иборат.

Пьесалари – “Олтин девор”, “Истанбул фожиаси” ва “Иккинчи тумор” номли сахна асарлари ўзбек театрларида кўп марталаб ўйналган.

Таржимонлик фаолияти – Ибн Синонинг, Ҳофизнинг, олмон шоири Фридрих Шиллернинг, Иоганн Гётеннинг “Фауст”, рус шоирларидан Александр Пушкиннинг, Сергей Есениннинг (“Эрон тароналари”), Александр Твардовскийнинг, Александр Блокнинг шеърлари, Покистон шоири Муҳаммад Иқбол ва дунё адабиётининг бир қанча машҳур сиймоларининг асарларини ўзбек тилига ўзгирган. Айни вақтда, Эркин Воҳид асарлари дунёнинг қатор тилларига таржима қилинган. Ўзи бу фоний дунёдан кўчган бўлса-да, сўзу суҳбати йиғинларда куй бўлиб кўнгилларга ҳузур беради, таълим-тарбия ўчоқларида ҳикмат дарслари сифатида ўқитилади.

Бутун туркий халқлардунёсининг қалбида қурилган юксак тахтингиз муборак, шоир Эркин Воҳидов! Қабрингиз нурларга тўлсин! Тупроғингиз енгил бўлсин!

*Шоир қалби гўё анор,
Шеъри унинг шарбати.
Бўлмас экан шеър аҳлининг
Ўз қалбига шафқати.*

**Олмос УЛВИЙ,
филология фанлари доктори,
профессор,
Ўзбекистон Республикасининг
“Дўстлик” ордени соҳиби.**

(Озар тилидан Сирдарёхон
ЎТАНОВА таржимаси)